ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 83 (10.136) / 2004 ЙИЛ 30 АПРЕЛЬ

# ВАТАНИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗ КУЧ-ҚУДРАТИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ ВА БУКИЛМАС ИРОДАСИГА БОҒЛИҚ

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

29 апрель куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Сессия иштирокчилари депутат Й.Сулаймонов хотирасини ёд этдилар.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Давоми 4-бетда.

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Барчангиз яхши хабардорсиз - шу йилнинг 29-30 март ва 1 апрель кунлари мамлакатимизда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари оқибатида 9 нафар ички ишлар ходими ва 5 нафар фуқаро ҳалок бўлди.

Ана шу бегуноҳ қурбон бўлган инсонларнинг оила аъзолари ва яқинларига ўзимнинг номимдан, сиз, муҳтарам депутатларимиз ҳамда бугунги сессия мажлисида қатнашаётган барча иштирокчилар номидан яна бир бор ҳамдардлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Мудҳиш ва қабиҳ ният билан уюштирилган бундай террорчилик хуружлари натижасида қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Аввало, Оллоҳнинг ўзи юртимизни асради, қолаверса, тинч, осуда ҳаётимизни ҳимоялаш, сақлаш учун азиз жонини берган ҳуқуқ-тартибот ходимларининг жасорати туфайли бунга йўл қўйилмади.

Ўзингиз фараз қилинг, Ромитан туманида террорчилар кўплаб портлатиш воситаларини тайёрлаб, одамлар гавжум жойларда қўпорувчилик уюштирмоқчи бўлган. Агар уларнинг машъум нияти амалга ошганида, яна қанча-қанча бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлиши мумкин эди.

Ёки Тошкент шаҳрининг бир чеккасида тайёргарлик кўрган террорчиларнинг бошқа бир гуруҳи белига портлатиш воситаларини боғлаб, пойтахтимизнинг бозор ва майдонларида, жамоат жойларида портлашлар содир этганида, нима бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бундай даҳшатли вазиятни кўз ўнгидан ўтказганида, унинг оқибатлари ҳар қандай ақли расо одамни ларзага солиши шубҳасиз. Шундай ваҳшийликларнинг олдини олиш учун жон фидо этган мард йигитларни хотирлар эканмиз, хаёлимизга беихтиёр, бу бегуноҳ инсонларнинг айби нима эди, ахир, уларнинг ҳам бола-чақаси, ёру дўстлари, бу ҳаётдан умидлари бор эди, улар ҳам бахтли бўлишга ҳақли эди-ку, деган армонли сўзлар келади.

Ана шундай юртдошларимиздан бири - Қибрай тумани ички ишлар бўлимида хизмат қилган катта лейтенант Азизжон Турсунов оилада ёлғиз ўғил эди. Эндигина 27 баҳорни қаршилаган, ҳали уйланишга ҳам улгурмаган бу навқирон йигит террорчиларга қарши курашда мардона ҳалок бўлди.

Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлимининг ходими, старшина Қодир Раҳмонов ҳам одамлар ҳаётини сақлаш учун жонини фидо қилди. Юраги беғубор, шоиртабиат бу инсоннинг уч фарзанди етим қолди, дилидаги не-не орзулари ушалмас армонга айланди.

Биз барчамиз эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш йўлида ўз ҳаётини бағишлаган милиция ходимларининг хотираси ва руҳи олдида умрбод қарздормиз. Бу фидойи инсонларнинг Ватан олдидаги хизматлари ҳеч қачон унутилмайди.

Давоми 2-бетда.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар!

Бугун башарият ўзига хос ва зиддиятли бир даврда яшамоқда. Бир томондан, илм-фан ва техника, юксак технологиялар тараққий этиб, инсонпарварлик ғоялари, демократик қадриятлар, ўзаро ҳамкорлик дунё бўйлаб қарор топиб бормоқда. Айни вақтда ер юзининг турли минтақаларида қуролли можаролар рўй бераётгани, халқаро терроризмнинг янги-янги хуружлари оқибатида минг-минглаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмаётгани ҳам шу замоннинг аччиқ ҳақиқатидир.

Бундан бир ой аввал мамлакатимиз пойтахтида, Бухоро ва Тошкент вилоятларида содир этилган, бир қанча бегуноҳ юртдошларимизнинг умрига зомин бўлган фожиали воқеалар ҳам бу ёвуз балонинг яна бир манфур намойишидир. Биз терроризм қурбони бўлган ана шу инсонларнинг, ёвуз кучларга кўксини қалқон қилиб, Ватанимиз хавфсизлиги, мамлакатимиз фуқароларининг ҳаётини асраш йўлида жонини фидо этган тинчлик посбонларининг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз. Бу юртдошларимизнинг номлари ва хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Ушбу мудҳиш ҳодиса рўй берган куннинг ўзидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида махсус ҳукумат комиссияси тузилиб, зудлик билан барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилгани қўпорувчи кучларнинг пайини қирқиш, яна қанча ёвузликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш имконини берди.

Биз - халқ ишонч билдириб сайлаган ва унинг хоҳиш- иродасини ифода этувчи Олий Мажлис депутатлари бу қабиҳ хуружни Ўзбекистондаги барқарорликни кўролмайдиган сиёсий кучлар ва халқаро экстремистик марказлар томонидан эл тинчлигини бузиш, одамларнинг юрагига ғулғула ва ваҳима солиш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга бўлган ишончини сўндириш, халқимиз танлаган демократик тараққиёт йўлига ғов бўлиш мақсадида олдиндан тузилган режа асосида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари, деб баҳолаймиз ва кескин қоралаймиз.

Республиканинг шаҳар-қишлоқларида, маҳалла ва турар жойларда сайловчилар билан бўлган учрашувларда билдирилган фикрларга суяниб, биз шуни қатъият билан айта оламизки, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига тажовуз қилишга уринаётган шахслар ҳеч қачон ўзининг қора ниятига етолмайди.

Биз юртимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, Ватан қудратини ошириш, маърифий дунё халқлари яшаётган фаровон ҳаёт даражасига эришиш учун бугун Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилаётган изчил сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз, халқимизни бу йўлда янада жипслашишга, юртимизга қўл кўтарган разил кимсаларга кескин зарба бериш учун ҳар доим тайёр туришга чақирамиз.

Бебаҳо бойлигимиз бўлмиш фуқаролар аҳиллиги ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш - ҳар қандай ёвуз кучларнинг хуружига қарши бизнинг энг муносиб жавобимиз бўлади.

Бунинг учун барчамиз ҳамиша ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлишимиз, террорчилик ва диний ақидапарастлик жаҳолатига, дин ниқоби остидаги бузғунчилик кўринишларига қарши курашда ҳокимият идоралари билан фаол ҳамкорлик қилишни, ўз уйимиз, маҳалламиз ва юртимизни ҳимоя этиш, асрашни муқаддас фуқаролик бурчимиз деб билмоғимиз лозим. Шуни алоҳида таъкидлаб айтамизки, муборак заминимизда бундай ёвузлик ва қабоҳатга йўл қўймаслик учун шу юртда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсон бевосита масъулдир.

Олий Мажлис барча давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига мурожаат қилиб, уларни мамлакатимизда тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, мустақиллик, демократия ва тараққиёт ғояларини амалга ошириш борасида фаоллик кўрсатишга даъват этади.

Ишонамизки, кўпни кўрган уруш ва меҳнат фахрийлари, машаққатли синовларда мардлиги ва матонатини намоён этган, эл-юрт ободлиги йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган маҳалла оқсоқоллари ва жамоатчилиги, таълим даргоҳларидаги устоз ва мураббийлар, маданият ва санъат намояндалари, уламоларимиз мамлакат тинчлигини сақлаш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида терроризм ва экстремизмнинг даҳшатли хавфини очиб беришга қаратилган маънавий-маърифий ишларни янада кучайтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Биз келажагимиз тимсоли бўлган ёшларни мана шу таҳликали ва мураккаб замонда ён-атрофимизда рўй бераётган воқеаларга нисбатан фаол гражданлик позициясини намоён этишга, халқимиз машаққатли меҳнат билан эришаётган ютуқларни қадрлашга, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида бошлаган ишларимизнинг муносиб давомчилари бўлишга даъват этамиз.

Азиз ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси гўзал ва бетакрор диёримизда тинч-тотув яшаб, катта бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган барча юртдошларимизни, жамики нияти пок, дунёқараши соғлом кишиларни террорчилик ва экстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши курашда янада ҳамжиҳат бўлишга чақиради. Ўзбекистонни ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўлидан, ўз халқига озод ва фаровон турмуш шароити яратиб бериш, жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан ҳеч ким, ҳеч қандай ёвуз куч қайтара олмаслигини яна бир бор қатъий баён этади.

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган.**

# ВАТАНИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗ КУЧ-ҚУДРАТИМИЗГА,

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқи

Давоми. Боши 1-бетда.

Уларнинг жасорати юксак давлат мукофотлари билан тақдирланади, оиласи, фарзандлари доимо халқимиз, давлатимиз эътиборида бўлади. Мана шундай ўғлонларимизнинг жасорати туфайли ўнлаб, балки юзлаб юртдошларимизнинг ҳаёти сақлаб қолинди, ёвуз террорчилар ўз уясида янчиб ташланди.

Мен ҳаммамиз учун оғир бўлган бу йўқотишлар, бу воқеалар ҳақида, дунёдан бевақт кўз юмган одамлар ҳақида кўп ўйлайман. 1999 йилда Тошкент кўчаларида террор қурбони бўлган бегуноҳ юртдошларимизни, 2000 йилнинг ёзида Сариосиё ва Бурчмулла тоғларида жангариларга қарши курашда ҳалок бўлган жасур аскарларимизни ҳам доимо эслайман.

Мен бугун, шу юксак минбарда туриб, мана шундай мард ва ботир, эл-юртига садоқатли фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарга бош эгиб таъзим қиламан.

Қадрли ватандошлар!

Юртимиз тинчлигига, болаларимиз ва аёлларимиз, кексаларимизнинг осойишта ҳаётига кимки тажовуз қилган бўлса, муқаррар равишда ўз жазосини олиб келган ва бу сафар ҳам шундай бўлади. Жиноятчилар амалдаги қонунларимиз, халқаро ҳуқуқий нормалар асосида суд олдида жавоб беради.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, кўпдан бери чуқур тайёргарлик кўрилган, нафақат бизни, балки дунё аҳлини ҳам ларзага солган бу воқеаларнинг томирига етиб бориш, жиноятчиларнинг ҳақиқий башарасини фош этиш, адолатни жой-жойига қўйиш, бегуноҳ одамларнинг жавобгарликка тортилишига йўл қўймаслик - буларнинг барчаси ўта мураккаб ва масъулиятли вазифа бўлиб, Бош прокуратура бошчилигида олиб борилаётган тергов жараёнини охирига етказиш учун муайян вақт беришни талаб қилади.

Ҳеч шубҳасиз, эл-юртимизга қарши қаратилган бу қабиҳ, ақлга сиғмайдиган разолатни ким ташкил этгани, бу ишга ким раҳнамолик қилгани, маблағ ва қурол билан таъминлагани, уни амалга ошириш учун кимлар жалб қилингани, бу қўпорувчиликни уюштириш учун улар қаерда, ким орқали ва қайси йўл билан, қайси лагерь ва полигонларда тайёргарлик кўргани ҳақида тергов ўз хулосасини чиқаради ва суд бу жиноят бўйича сўнгги нуқтани қўйганидан кейин халқимизга, халқаро жамоатчиликка маълумот берилади.

Мен бугун тергов материалларига асосланган ҳолда, бир нарсани аниқ айтишим мумкин: ҳар томонлама пухта тайёрланган бу жиноий ҳаракатларнинг илдизи мамлакатимиз ташқарисида жойлашган халқаро террорчилик ва экстремизм марказларига бевосита бориб туташмоқда. Буни тасдиқлайдиган далил-исботлар етарли.

Бугун биз ана шу фожиали воқеалар ҳақида гапирар эканмиз, мен учта муҳим масалага эътиборингизни жалб қилишни, буларга жавоб топишни зарур деб биламан. Бу ёвуз ҳаракатлар кимга қарши ва нимага қарши қаратилган? Ва уларнинг охир-оқибат мақсади нима?

Битта масала барчамизга аён бўлиши керак. Бу портлашларни кўр-кўрона бажарган, онги паст, калтабин, мияси заҳарланган ижрочилар бор. Шунингдек, буларни уюштириб, ўз халқига қарши жиноятга йўллаган ташкилотчи ва раҳнамолари ҳам борки, уларни бир-биридан ажратиш, ҳар қайсисига алоҳида баҳо бериш зарур.

Фақат мана шундай кўз билан қараб, бу воқеаларнинг таг-томирига етиб боришимиз, Ўзбекистонни, унинг мақсад- муддаоларини кўролмайдиган, кўп йиллардан буён юртимизга қарши қўпорувчи-террорчилик ҳаракатларини олиб бораётган кучлар ва марказларни, уларнинг разил қиёфасини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз, узоқни кўзлаган манфур ниятларини тушунишимиз мумкин.

Азиз дўстлар!

Ҳаётнинг ўзи юртимизда янги давлат, янги жамият барпо этиш учун халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган тараққиёт йўлининг тўғрилигини тасдиқламоқда. Ҳозирги кунда бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаётга эришиш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизни, дунё бизни тан олаётганини кўриб, сизлар қатори, бутун халқимиз қатори мен ҳам ғурурланаман.

Агарки, бугун фақат марказда эмас, балки Ўзбекистоннинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида яшаётган инсонларни, уларнинг савияси ва дунёқарашини, ҳаёт тарзини 90-йиллардаги ҳолат билан солиштирадиган, холисона кўз билан баҳолайдиган бўлсак, бизнинг юртимиз шу қисқа даврда қандай масофани босиб ўтгани, қандай марраларни эгаллаганини тушуниш, англаш қийин эмас, деб ўйлайман. Энг муҳими, бугунги Ўзбекистон фуқароси ўзининг ҳаётини танқидий баҳолаш билан бирга, ўзи ва оиласининг, юртининг келажагини яққол тасаввур этади ва бунга эришиш учун нималар қилиш кераклигини, жамиятимизда қандай ўзгариш ва ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигини, нима ҳисобидан тараққий топган давлатлар яшаётган ҳаёт даражасига кўтарилиш мумкинлигини яхши англайди.

Биз жаҳондаги барча эзгу ниятли, тараққийпарвар халқлар ва миллатлар билан ҳамжиҳат бўлиб, нафақат ғарб давлатлари, балки Япония, Жанубий Корея, Малайзия каби ривожланган шарқ мамлакатларида бўлганидек, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга интилмоқдамиз.

Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун юртимизда мавжуд бўлган салоҳият ва бойликларни ишга солиш, улардан оқилона фойдаланиш, аввало, ўз куч ва имкониятимизга, ота-боболаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъаналарга суяниш, қадриятларимизни тиклаш, бир-биримизга елкадош бўлиш эҳтиёжини халқимиз бугун ҳар томонлама тушуниб етди. Айни вақтда умумбашарий ютуқларни ўзлаштириш, ёш авлодни шу асосда тарбиялаш, дўстни ғанимдан ажратиш, бизга қўл узатаётган хайрихоҳ шериклар билан ҳамкорликда эртанги кунимизни кўриш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга қаратилган олий мақсадларимиз ҳақида бугун ортиқча тарғибот олиб боришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Ва мана шундай ҳолатни, яъни оддий фуқароларимизнинг умумий ва сиёсий савияси нақадар ўсганини юртимиз кейинги даврда эришган ютуқларнинг энг муҳими, деб ҳисоблайман.

Шундай экан, ўзимизга бир савол берайлик: бизнинг танлаган йўлимиз кимларга ёқади-ю, кимларга ёқмайди? Бу саволларга жавоб топиш ва тегишли хулосалар чиқаришга кўпни кўрган, донишманд халқимизнинг ақли ва қурби етади, деб ўйлайман.

Барчамизга аён бўлиши керакки, ғанимларимизнинг асосий нияти - Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган, фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишдан иборат.

Булар ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, содда, билими ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринади. Уларни муқаддас динимизга, унинг асл қадрият ва бойликларига бўлган қизиқиш ва интилишларидан ғаразли ниятларда фойдаланади. Охирги тўрт-беш йил давомида тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, бундай мараз ва қабиҳ ниятли кучлар ва марказлар жуда чуқур ўйланган, катта маблағ билан таъминланган, узоқни кўзлайдиган дастур ва режаларга, шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, энг замонавий восита ва имкониятларга эга. Улар, ўзининг таъсирига тушган кишиларнинг миясини заҳарлаш мақсадида, ҳеч қандай соғлом ақлга сиғмайдиган бузғунчи ақида ва ғояларни, шу жумладан, «Ҳизбут-таҳрир» оқимида кенг тарқалган халифалик қуриш даъватларини ишлатади.

Нима эмиш, барча мусулмон динига мансуб халқлар халифалик деб ном олган ва битта халифа бошқарадиган ягона диний давлатга бирлашиб, бизнинг асосий Қомусимиз - Конституция ва қонунлар ўрнига, ўрта асрларда ҳукм сурган ақида ва одатларга итоат қилиш асосида яшаб, кун кўришимиз керак эмиш. Давлатни бошқариш, унинг хўжалик ва иқтисодиётини тебратиш у ёқда турсин, оддий оиланинг даромад ва буромад ташвишларидан - ниманинг қаердан ва нима ҳисобидан, қандай меҳнат эвазига келишидан хабардор бўлган ҳар қандай ақли расо одам бундай ғояларнинг сохталигини англаши, уларнинг ҳақиқий баҳосини бериши мумкин. Бундай сохта, замирида ҳеч қандай асос бўлмаган сафсаталар ҳақида гапирганда, аввало бугун биз XXI асрда яшаётганимизни эсдан чиқармаслигимиз керак.

Ва ҳозирги ўта мураккаб, шиддат билан ўзгариб, тараққий топаётган, компьютер ва телекоммуникация даврининг минг йиллар олдин мавжуд бўлган шароит ва вазиятдан ер билан осмонча фарқи борлигини оддий одам ҳам тасаввур қилиши қийин эмас.

Ҳеч қайси давлат, жаҳоннинг қайси қитъасида жойлашганидан қатъи назар, бугун дунё бозори ва халқаро ҳамжамиятдан ажралган ҳолда ва замон талаб қилаётган қонунларга итоат қилмасдан туриб, ўз келажагини кўролмайди. Бу ҳақиқатни исботлаб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ахир, ҳаммамизга маълум: тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди-ку! Шу нуқтаи назардан қараганда, барча мусулмон давлатларини ягона халифаликка бирлаштириш мақсади ҳам ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган афсона, десак, асло хато бўлмайди.

Тарихдан маълумки, халифаликни тузиш у ёқда турсин, икки мусулмон давлатини бирлаштириш, мисол учун, ўтган XX асрнинг 50-йилларида Миср давлатининг Сурия ва Ливия каби араб мамлакатлари асосида ягона давлат қуриш ҳаракатлари нима билан тугагани барчамизга аён. Ёки Афғонистонда толиблар зўрлик билан жорий этган тизимни минтақамизда, Ўрта Осиёда кўришни истайдиган бирорта одам йўқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, деб ўйлайман.

Ҳеч қандай қонунга итоат қилмайдиган бу мутаассиблар ўз жоҳиллиги ва ваҳшийлиги билан, инсон қадри ва қимматини бир тийинга олмасдан, майдонларда одамларни қўйдай сўйиб ташлагани билан бутун жаҳон аҳлининг нафратига дучор бўлди.

Ўзингиз айтинг, бундай тартибларни бизнинг заминимизда ҳам кўришни кимдир хоҳлайдими?

Бир масалада барчамиз огоҳ ва сезгир бўлишимиз даркор. «Ҳизбут-таҳрир» каби диний оқимлар аҳолининг ичида, маҳалла ва қишлоқларда ташвиқот ишини бошлаб, ўз сафига аввало ёшларни тортаётган пайтда найранг ишлатиб, ўзини мусичадек беозор, фақатгина адолат ўрнатиш тарафдорлари деб кўрсатишга уринади. Лекин тажриба шуни тасдиқлаяптики, улар кучга кирганда ўзининг ҳақиқий қиёфасини кўрсатади.

Ўз сафидан жангариларни майдонга чиқариш учун ҳар томонлама замин тайёрлаб турган бу оқим вақти-соати келганда, ҳокимиятни, қонуний тизимни ағдариш мақсадида тинч ҳаётни бузиб, ур-йиқит, портлатиш, қон тўкишдек мутлақо зўравонлик ва тажовузкорлик ҳаракатларига ўтиши ҳеч гап эмас. Бундай оқимлар ва уюшмаларнинг низоми ва қоидалари кимки уларнинг қараш ва ғояларини қабул қилмаса ёки уларга кўнмаса, буларнинг пешонасига «кофир», «диндан қайтган» деган тамғани босиб, уларга қарши жиҳод эълон қилиш, ҳатто ота-онасидан ҳам воз кечишни талаб қилади.

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, мантиқий бир хулосага келишимиз мумкин. Буларнинг барчасини сохта ғояларни тарқатиш, содда фикрлайдиган одамларни чалғитиш йўли билан бугун минтақалар ва дунёнинг харитасини ўзгартиришга, тинч яшаётган халқларни разолат ва жаҳолат замонига қайтаришга, ўз манфур мақсади йўлида ислом динини қурол қилиб олишга уринаётган ақидапараст «доҳий»ларнинг маккорона ва ўта хавфли ўйини, десак, асло хато бўлмайди. Лекин бундай мудҳиш режаларни бизнинг юртимизда амалга оширмоқчи бўлганлар қаттиқ адашади. Биз қандайдир бечора, кимнингдир етаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз. Биз кўҳна ва бетакрор тарихга эга бўлган, дунёни ҳайратга солган улуғ мутафаккир ва саркардаларнинг ворисларимиз ва буюк давлат қуришга бел боғлаган халқмиз. Бизга қарши ёвуз ният билан юрган қўпорувчи, бузғунчи кучлар шуни қулоғига қўрғошиндек қуйиб олсин: Ўзбекистон давлати ўз халқини, ўз заминини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилишга қодир. Буни ҳеч ким ва ҳеч қачон унутмаслигини хоҳлардим.

Ҳурматли депутатлар!

Юртимиз бошига иш тушган ташвишли кунларда жаҳондаги кўплаб нуфузли давлатлар, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари халқимизга ҳамдардлик билдириб, бизни қўллаб-қувватлаганидан, ўйлайманки, жамоатчилигимиз яхши хабардор. Шулар қаторида, мусулмон давлатларининг раҳбарлари, ислом оламининг кўзга кўринган сиёсат ва дин намояндаларининг бу масалага холис ва соғлом ёндашуви эътиборга сазовор.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Мисрда чиқадиган «Ас-сиёсий» газетасида сиёсатшунос Муҳаммад Салома Ўзбекистондаги воқеалар муносабати билан алоҳида бир мақола чоп эттирган. Бу мақоланинг таржимаси яқинда «Халқ сўзи» газета-

Давоми 3-бетда.

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ ВА БУКИЛМАС ИРОДАСИГА БОҒЛИҚ

Охири. Боши 1-2-бетларда.

сида босилиб чиқди. Муаллиф, содир бўлган воқеаларни таҳлил қилар экан, жумладан, бундай деб ёзади: «Бирон-бир давлатнинг мустамлакаси бўлмаган, диний ва дунёвий илм олиш учун барча шарт-шароитлар тўлиқ таъминлаб қўйилган бу озод юртга қарши жиҳод қилиш - ўзини 90 фоиздан ошиқ аҳолиси мусулмонлардан иборат бўлган Ўзбекистоннинг мўмин халқига қарши қўйиш демакдир».

Муаллиф экстремистларнинг халифалик қуриш ҳақидаги даъволарига тўхталиб: «Бу тўдага бутун мусулмон уммати номидан бундай сиёсий чақириқларни ўртага ташлашга ким ҳуқуқ берди? - деган саволни қўяди. - Агар Ўзбекистон мисолида уни талқин қиладиган бўлсак, ҳар қандай йўл билан ўз нафсини қондиришга уринаётган бир гуруҳ лўттибозлар эмас, балки 25 миллионлик мамлакат аҳолисининг амри вожиблигидан келиб чиқиш керак. Бу халқ ўз хоҳиш-иродасини мамлакат раҳбари ва халқ номзодлари сайловларида яққол намойиш этган ва бугунга келиб, ўзи олий ваколат берган шахслардан Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва тотувлигини таъминлаб беришни талаб қилишга ҳаққи бор».

Ўйлайманки, бундай холис ва ҳаққоний фикрларни шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Мана шундай маърифатли, оқ қорани танийдиган инсонлар тимсолида мусулмон дунёси бу террорчилик ҳаракатлари динимизга мутлақо ёт, бегона эканини ҳар томонлама исботлаб, уларни қаттиқ қораламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юртимиз ўз бошидан оғир синов кунларини кечирган бир пайтда бизга ҳамдард бўлган барча инсонларга, чет эллардаги дўстларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бугун нотинч ва таҳликали бир замонда яшамоқдамиз. Инсоният юксак орзу-умидлар билан қадам қўйган янги - XXI асрда ҳам халқаро террорчилик дунёнинг турли жойларида ўз ёвуз қиёфасини намойиш этаётгани, айниқса, ялпи хавфсизликка катта таҳдид солаётгани барчада ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Ҳозирги вақтда терроризмнинг тажовузидан ўзини холи ҳис қиладиган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқ. Худди вабо сингари ер юзининг кўплаб мамлакатларига ёйилиб бораётган бу балоқазо эртага кимни нишонга олишини ҳам олдиндан айтиш қийин. Буни кейинги пайтда жаҳоннинг қатор мамлакатларида, жумладан, Туркия ва Саудия Арабистонида, Индонезия, Россия, Испанияда ва куни кеча Сурия давлатида содир этилган террорчилик хуружлари ҳам тасдиқлайди.

Бизнинг юртимизда рўй берган қўпорувчилик ҳолатлари ҳам ана шу халқаро террорчилик ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ, деб айтишга барча асослар бор.

Шу борада ҳаммамиз бир муҳим фикр ва сабоқни яхши англаб олишимиз даркор. Ўз олдимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эришиш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажариш аввало ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг жипслигига, кучли иродасига боғлиқ.

Албатта, бу масалада бизга хайрихоҳлик билан қарайдиган давлатлар, узоқ-яқин қўшниларимизнинг ёрдам ва кўмагига ҳам суяниш керак, лекин, охир-оқибатда ўз салоҳиятимизга таянишимиз лозим. Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган барча хатарлардан, юртимизга қарши тузилаётган турли фитналардан ўз вақтида огоҳ бўлишимиз, уларни бартараф этиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солишимиз зарур. Биз халқаро терроризмга қарши курашда жаҳон ҳамжамияти, биринчи галда, минтақамиздаги давлатлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишимиз даркор. Лекин кўп ҳолларда бу борада қабул қилинган дастурлар, келишув ва қарорлар, минг афсуски, қоғозда қолиб кетмоқда.

Халқаро террорчи кучлар қайтадан бирлашиб бош кўтараётган, ўта маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни, бир ёқадан бош чиқариб, бундай уринишларга кескин зарба беришни, **ҳар қандай тажовуз ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда.**

Бу курашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтишни зарур, деб биламан: бу машъум офат мени четлаб ўтади ёки сен менга тегма - мен сенга тегмайман, деган хомхаёлларнинг умри узоқ бўлмайди. Бундай қараш ва сиёсатларнинг охири вой бўлиши муқаррар.

Ҳурматли депутатлар!

Юртимизда содир бўлган мана шундай мудҳиш, ғайриинсоний хуружларнинг сабаблари ва уларга олиб келган ҳолатларни таҳлил қилар эканмиз, шуни айтиш кераки, бу жиноятларнинг бошида турган ва уларни ташкил қилганлар ўз қора ниятларига етиш учун аввало кимларга суянган, кимлардан фойдаланган, кимларни қурол қилиб ишлатган?

Бундай саволларнинг негизига, илдизига етиб боришимиз керак.

Албатта, сир эмас, ҳар қандай жамиятда, миллатда ичи қора, нафси бало, табиатан тажовузкорлик ва зўравонликка мойил бўлган, керак бўлса, қотилликка ҳам борадиган кимсалар топилади. Шулар қаторида ҳамма нарсадан норози, аламзада, ўзининг ғаразли мақсадларини устун қўядиган кишилар ҳам кам эмас. Лекин, биз бир муҳим масалага алоҳида эътибор беришимиз зарур. Юртимизга қарши бундай тажовуз ва қўпорувчилик хуружларини ташкил қилиш нияти билан юрган кучларнинг тузоғига тушганларнинг аксарияти биринчи навбатда оилада ҳам, мактабда ҳам жиддий таълим-тарбия олмаган ёшлардир. Улар ижобий маънодаги ворислик, яъни авлоддан авлодга ўтиб борадиган ибратли анъаналардан йироқ, муҳити носоғлом бўлган оилаларда ўсган, омади юришмаган, ҳаётда ўз ўрнини топмаган, жамият эътиборидан четда қолган ўсмирлардир. Уларнинг кўпчилигини ҳатто ўрта мактабни битиришга ҳам ақл-идроки, кучи етмаган кимсалар ташкил қилади.

Биз бундай нохуш, ачинарли ҳолатни атрофлича ўрганиб, ундан хулоса ва керакли сабоқлар чиқаришимиз, бунга қарши зарур чора- тадбирларни кўришимиз талаб этилади. Рўй берган бу фожиали ҳодисаларнинг сабаблари ҳақида гапирганда, афсус билан яна бир нарсани тан олишга тўғри келади. Яъни, баъзиларимиз давлат бор, унинг органлари, махсус хизматлари бор, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш уларнинг вазифаси, деган фикрда беғам ва бепарво бўлиб юрамиз.

Дарҳақиқат, давлат, унинг тегишли органлари жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун, энг муҳими, инсоннинг муқаддас ҳуқуқи - яшаш ҳуқуқини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш учун ташкил этилгани шубҳасиз. Лекин, бир ўйлаб кўрайлик, агар жамият ўзини ўзи ҳимоя қилмаса, ҳар ким фақат ўз манфаати билан яшаса, бундай жамиятнинг ҳаёти, келажаги нима бўлади?

Мана шундай лоқайдлик ва бепарволикни кўрганда, одам беихтиёр ёниб кетади, эй, одамзот, кўзингни оч, Ўзбекистонни вайронага, халқимизни қулга айлантирмоқчи бўлганлардан, болаларимизни алдаб, уларни ўзимизга қарши қайраб юрганлардан огоҳ бўл, деб ҳайқиргиси келади.

Одам ҳайрон қолади, нега инсон то ўз бошига жудолик ва айрилиқ, мусибат тушмагунча ақлини йиғиштириб ололмайди, ён-верига хушёр назар ташлаб, дўстни душмандан ажратолмайди? Қачонгача биз атрофимизда қабиҳ ният билан юрган, ичичидан заҳарга, фасодга тўлган кимсалардан андиша қиламиз, уларнинг қора қилмишларини фош этиб, жойига ўтқазиб қўйишга журъат қилолмаймиз? Шаҳар бедаврова бўлмагандек, маҳалла ҳам, эл юрт ҳам эгасиз бўлмаслиги керак-ку, ахир.

Шу борада ҳаётимизнинг ўзи давлат вазифасида, лавозим курсисида ўтирганлар олдига алоҳида талаб қўймоқда. Давлат хизматида юрганлардан савлат тўкиб ўтириш, мендан кетгунча, эгасига етгунча, деб, юз бераётган ҳодисаларга томошабин, кузатувчи бўлиш эмас, аввало халқ манфаати, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун куйиб-ёниб яшашни, бу курашнинг олдинги сафида бўлишни талаб қилишга ҳақлимиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳурматли ота-оналаримизга, эл-юрт манфаати йўлида жуда катта иш қилаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, ўқитувчи ва мураббийларимиз, муҳтарам уламоларимизга, бутун жамоатчилигимизга мурожаат қилмоқчиман.

Ҳозирги кунда диний экстремизм мафкурасига, қўпорувчилик- террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа - аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Муҳим бир ҳақиқатни барчамиз унутмаслигимизни истардим. Тарихимизни эсласак, бизнинг миллатимиз табиатида олижаноблик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, керак бўлса, ўта соддалик хусусиятлари устун бўлиб, халқимиз жаҳолат ва тажовуз йўлини, разил ўйинларни ўзига қабул қилмаган ва инсонийлик шаънига зид бўлган бундай ҳаракатларни доимо рад этган. Рўй берган воқеаларга мана шундай мантиқий кўз билан қараб, аксарият йўлдан адашганларнинг аянчли қисматига баҳо берадиган бўлсак, бунинг сабабини уларнинг онгу тафаккури ҳали шаклланмаганидан, ақли ва билими етишмаганидан, буларни асраш, ёмон йўлдан қайтариш учун керакли пайтда ёнида имон-иродаси бақувват, ўзига яқин одам топилмаганидан ахтаришимиз керак. Ва шу туфайли улар ўта айёр ва маккор, қора ниятли кимсаларнинг тузоғига тушиб қолганини англашимиз зарур.

Айнан шу ҳақиқатни инобатга олиб, буларнинг орасида олиб борилаётган ғоят масъулиятли ишда шираси, таъсири йўқ, умумий, баландпарвоз гаплардан воз кечиб, ақидапарастликнинг ўзи нима, диний экстремистик оқим ва ҳаракатларнинг асл мақсади нималигини, уларнинг эл-юртимизга, отабоболаримизга қолган динимизга қандай катта зарар етказишини тушунтириб бера олишимиз даркор. Шундагина адашганларни йўлидан қайтариш, бундай машъум ҳодисаларнинг олдини олиш, юртимиз ва миллатимизни асрашимиз мумкин.

Албатта, биз бугун таълим-тарбия соҳасида, маънавий- маърифий соҳада кўп-кўп ишларни амалга оширмоқдамиз. Юзлаб академик лицейлар, касбҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, замонавий спорт масканларини барпо этдик ва барпо этмоқдамиз. Айни пайтда мактабларга, айниқса, қишлоқ мактабларига эътиборни кучайтирмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз бу борада бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, қанчалик қийин бўлмасин, бу соҳа учун зарур бўлган куч ва маблағларни излаб топамиз ва сафарбар этамиз.

Биз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни, «Эй болам, сенинг Ватанинг битта - барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг ҳоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ» деган тушунчани уларнинг қалбига, онгу шуурига сингдиришимиз даркор.

Қадрли юртдошларим!

Албатта, юқорида зикр этилган масалаларнинг барчаси тўғри ва ўринли, биз уларни энг долзарб вазифамиз тариқасида қабул қиламиз. Лекин бу вазифаларнинг негизида, амалга оширишимиз лозим бўлган бу ғояларнинг пойдеворида битта нарса турибди. У ҳам бўлса, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришдир. Бунга аввало барча жабҳаларда бошланган эркинлаштириш сиёсатини, иқтисодиёт соҳасидаги туб ислоҳотларни охирига етказиш ва ўсиш суръатларини ошириш эвазига эришишимиз мумкин. Нафақат давлатнинг, балки ҳар қайси оила, ҳар қайси одамнинг даромадини кўтариш, турмуш даражасини яхшилаш бўйича кўп ишларни қилишимиз даркор.

Саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва хусусий бизнес вакилларига кенг йўл очиб бериш, уларнинг олдидаги тўсиқ-ғовларни олиб ташлаш, ижтимоий муаммолар, айниқса, ишсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Юртимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, тили, дини, миллатидан қатъи назар, шу заминдаги барча инсонларнинг ўзаро меҳр-оқибатли бўлиб яшаши, жамиятимизда ҳеч ким, биринчи галда, ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлган инсонлар ўзини ёлғиз сезмаслиги учун барчамиз ҳисса қўшишимиз керак.

Бу олижаноб мақсад-муддаоларга етиш йўлида бизга хайрихоҳ бўлган, демократик ислоҳотларни амалга оширишда ёрдам бераётган давлатлар ва халқаро ташкилотлар, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, демократик тамойиллар ва қарашлар одамларимизнинг тафаккуридан чуқур жой олишига эришишимиз лозим.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Ўзининг узоқ, давомли тарихида кўпни кўрган халқимиз бундай синовларни илгари ҳам бошидан кечирган ва уларни мардона енгиб ўтган.

Албатта, биз аввало Яратганимиздан эл-юртимизни турли офатлардан, ёмон кўзлардан сақлашини сўраймиз. Оллоҳ таоло ўз марҳаматини, меҳр-мурувватини халқимиздан дариғ тутмасин, барчамизни ўз паноҳида асрасин, деб эзгу ният қиламиз. Айни замонда барчамиз бир тану бир жон бўлиб, терроризм ва экстремизм хавфига қарши қатъият билан кураш олиб боришимиз, «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шиорнинг маъносини кенг ва чуқур англаб, гўзал ва бетакрор Ватанимизнинг тинчлигини, халқимиз осойишталигини кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур.

Сиз, азиз депутатларни ўзимнинг ҳамфикр, яқин елкадошларим, деб билиб, барчангизни эл-юртимизни бало-қазолардан асрашда, ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етишда янада жипслашишга, бу йўлда қатъият ва фидоийлик кўрсатишга даъват этаман.

# Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси тўғрисида

# АХБОРОТ

Давоми. Боши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг март ойи охири апрель ойининг бошида мамлакатимизда рўй берган ва бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган фожеали воқеаларга принципиал сиёсий баҳо берди. Ўзбекистон Президенти бу террорчилик ҳаракатларини жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш, халқимизни дунёвий, демократик ривожланиш йўлидан қайтаришга уриниш сифатида баҳолади. Мамлакатимиз раҳбари халқаро террорчилик, экстремизм ва диний ақидапарастликнинг намоён бўлиш сабабларини чуқур ва батафсил таҳлил қилиб, улар Ўзбекистоннинг бугунги куни ва келажаги учун хавфли эканлигини қайд этди. Ислом Каримов мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳар бир фуқаронинг зиммасидаги масъулиятли бурч эканлигини таъкидлаб, сессия қатнашчиларини бундай таҳдидларга қарши курашни кучайтиришга чақирди.Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Н.Иброҳимов, Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Н.Кучерский Президент Ислом Каримов нутқида баён этилган фикрларни қўллаб-қувватлади ва Олий Мажлиснинг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномасини қабул қилишни таклиф қилди.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномасини тайёрлаш учун таҳрир гуруҳини тузди. Танаффусдан сўнг Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов халқ вакиллари гуруҳи томонидан тайёрланган Мурожаатноманинг матнини ўқиб эшиттирди. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномаси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Мазкур масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ўтган йилги ижроси тўғрисидаги ҳисобот муҳокамасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Т.Долимов, Мингбулоқ тумани ҳокими Б.Ҳайдаров, Ғаллаорол туманидаги Тозауруғ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Т.Норқулов, Олий Мажлиснинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси Ш.Хўжаниёзова, «Бухородонмаҳсулот» ишлаб чиқариш-акционерлик уюшмаси раиси Б.Бозоров иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлисида депутатлар Паркент тумани ҳокими М.Куччиев, «Лола-Узор» хусусий кўп тармоқли фирма директори Х.Мирзааҳмедов, Оқдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номли 2-мактаб директори Ж.Исроилов, Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг етакчи хонандаси М.Раззоқова, Андижон вилояти ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш масалалари котибияти мудири Н.Исроиловнинг чиқишидан сўнг номи зикр этилган қонунни ва уни амалга татбиқ этиш ҳақидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонун лойиҳасини парламентнинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик депутатлар эътиборига ҳавола қилди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Бухоро аэропорти директори Т.Бахронов, Қарши шаҳар ҳокими И.Асадов, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бош директори С.Умаров, Андижон вилоятидаги «Андижон нашриёт-матбаа» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Нуғмонов, «Билдинг-технолоджиз» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси директори С.Ким қатнашди.

Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалга жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси ўринбосари С.Солиев «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессияга тақдим этди. Бу ҳужжат муҳокамасида «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари Х.Дўстмуҳамедов, «Шаҳрисабзконсерва» ишлаб чиқариш-акционерлик жамияти раиси Н.Исмоилов, Қумқўрғон тумани ҳокими Н.Чориев, «Новатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев, парламентнинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Э.Мирзаев иштирок этди. Депутатлар мазкур қонунни ва уни амалга татбиқ этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Ушбу масала муҳокамаси чоғида Марғилон шаҳар ҳокими А.Акрамов, «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари бош муҳаррири А.Болиев, Сирдарё вилояти халқ таълими бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари Г.Латипова, Бандихон тумани ҳокими У.Чўтбоев, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева ўз фикрларини билдирди. Парламент «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси жорий йил 30 апрель куни ўз ишини давом эттирди.

# Ахборот — жамиятнинг стратегик заҳираси

***Жаҳон Интернет тармоғида www.uzbekistan.uz Web-сайти ташкил этилди ва «Ўзбекистон - буюк келажак сари» китобининг мультимедиа варианти чиқарилди***

Интернет - жаҳон ахборот тармоғи бўлиб, бутун дунёга ахборот тарқатишнинг энг янги воситаси ҳамда одамларнинг ҳамкорлиги ва мулоқоти учун бутун Ер куррасини қамраб олган муҳит ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жаҳон рақамли технологиялари, ахборот хизматларининг янги турлари, жумладан Интернет орқали маълумотлар узатиш ва қабул қилиш имкониятларидан тобора кенг фойдаланилмоқда. Интернет жаҳон тармоғида миллий ахборот сегменти ортиб бормоқда ва бу жамият маънавиятини ривожлантириш, миллий иқтисодиётни ўстириш, мамлакатимизнинг дунё ахборот ҳамжамиятига интеграциялашувига хизмат қилмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати кўмагида «Ўзбекистон - буюк келажак сари» китоби асосида уч тилда - ўзбек, инглиз ва рус тилларида www.uzbekistan.uz Веб-сайти яратилди ва лазер мультимедиа диски чиқарилди.

Мазкур маҳсулот Ўзбекистон давлатчилиги тарихи, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт, мамлакатимизнинг жаҳон сиёсатидаги роли ва ўрни ҳақида катта ҳажмдаги маълумот, шу жумладан Мустақиллик йилларидаги мамлакатимизнинг ютуқларини ёрқин намойиш этувчи ҳужжатли материаллардан ташкил топган.

«Ўзбекистон - буюк келажак сари» китобининг Интернет шакли www.uzbekistan.uz жаҳон тармоғидан фойдаланувчиларнинг (1 миллиард кишидан ортиқ) Ўзбекистоннинг салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, инвестициявий жозибадорлиги ва ишбилармонлик ҳамкорлиги ҳажми ўсиши ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган. Веб-сайт янгиланадиган блоклар ва энг машҳур миллий интернет сайтларга кўрсатмаларга эга. Улар фойдаланувчиларга Ўзбекистон, унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари, инвестиция лойиҳалари, халқаро алоқалар ҳақида тезкор ахборот олиш имконини беради.

Мазкур Веб-сайт дунёнинг етакчи қидирув тизимларида рўйхатга олинган (АҚШ, Европа, Осиё ва МДҲ мамлакатлари) ва Интернет тармоғида миллий сегментларни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

«Ўзбекистон - буюк келажак сари» китобининг интерактив компьютер шакли бўлган мультимедиа вариантига матнлардан ташқари видео материаллар, ўзбек халқ ва эстрада қўшиқлари ҳам киритилган. Лазер диски (CD) Flash, Cbuilding, JavaScripts технологиялардан фойдаланган ҳолда яратилди ҳамда бу ахборотни энг мақбул ва ёрқин шаклда тақдим этиш имконини беради.

«Ўзбекистон - буюк келажак сари» китобининг мультимедиа лазер CD-диски Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик миссиялари, мамлакатимизнинг олий ўқув юртлари, коллежлар, мактаблар, маданий-маърифий марказларда тарқатилади.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Ўзбекистон Президентининг «Истеъдод» жамғармаси Масофавий ўқитиш маркази Тошкент молия институтининг профессор-ўқитувчилари учун 20 кунлик семинар-тренинг ташкил этди.**

**● Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Ўзбекистон Республикаси халқаро алоқаларининг минтақавий жиҳатлари: Ўзбекистон ва ЕИ шериклик ва ҳамкорлик битими тўғрисида» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

**● Халқаро бизнес-марказида «TS-Technology» МСЖ қўшма корхонаси томонидан чиқарилган ўзгарувчан фоиз ставкали ва муомаладаги муддати 3 йил бўлган 800 миллион сўмлик облигацияларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.**

**● Қашқадарёда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алгоритм илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида ерларнинг электр харитасини тузишга киришилди.**

**● Шофиркон туманидаги «Вардонза» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури яна 11 тага кўпайди — бу ерда каратэ, теннис, футбол, волейбол, енгил ва оғир атлетика билан шуғулланувчи ёшлар учун махсус либослар тикиш йўлга қўйилди.**

**● Асакадаги тадбиркорлар саройида бизнес-инкубатор фаолият бошлади. Маҳаллий тадбиркорлар ва ҳунармандларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида очилган ушбу марказ хусусий тадбиркорликнинг ишлаб-чиқаришдаги улушини сезиларли даражада кўпайтиради.**

### Жаҳонда

**● Македонияда ўтказилган Президентлик сайлови ниҳоясига етди. Сайлов натижасига кўра, 62 фоиз овоз билан Македония Бош вазири Бранко Чрвенковски мамлакат Президенти этиб сайланди. Янги Президент ўз халқига мурожаатида мамлакатда вужудга келган этник муаммоларни бартараф қилиш ва ижтимоий ҳаётни ривожлантириш учун бор кучини аямасликка ваъда берди.**

**● НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер Норвегияга ташрифи чоғида НАТОнинг Ироқ борасидаги муаммоларини бартараф этиш ва у ерда тинчликпарварлик ҳаракатларини олиб боришга тайёрлигини, лекин бунинг учун альянс томонидан бир нечта шартлар қўйилишини билдирди.**

**● Қатарда Ичкериянинг собиқ президенти Зелимхан Яндарбиевни ўлдирганликда гумон қилиниб қўлга олинган икки россиялик фуқаро иши юзасидан суд жараёнлари бошланди.**

**● Ўз қабиҳ ниятлари йўлида электрон почтадан фойдаланувчи Интернет фирибгарларининг фаолияти Буюк Британия банкларига 1 миллион фунт стерлингдан кўпроқ зарар келтирди.**

**● УЕФАнинг ташкил этилганига 50 йил тўлишини нишонлаш доирасида Европа футбол уюшмаси охирги ярим асрдаги қитъанинг 50 нафар энг яхши футболчиларини аниқлаш мақсадида сўров ўтказди. Овоз бериш натижаларига кўра, франциялик Зинеддин Зидан Европанинг кейинги ярим асрдаги энг яхши ўйинчиси деб тан олинди.**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Кишилар ҳаловатига ғийбатчиликдек зарар келтирадиган иллат йўқдир, зеро, бу касалга учраганлар нафақат ўзларини қийнашади, балки ўзгалар қувончига ҳам раҳна соладилар.

● Доно одам олдида қандай гап айтмайлик, у гапимизни ақл тарозусида ўлчаб, сўнг ўзимизга баҳо беради. Зеро, агар биз бирон одам ғийбатини қиладиган бўлсак, доно ҳамсуҳбатимиз эзгуликда бизнинг одамларга ғараз ниятда эканлигимизни тушунади. Кейинчалик бизга ҳатто эътибор бермай қўяди. Чунки биз бошқа бир одам билан суҳбатлашганимизда унинг ҳам ғийбатини қилишимизни тушунади.

**Байт:**

**Биродар, ҳар кимки**
**айласа ғийбат,**
**Лойиқдир ундайга**
**дейилса лаънат.**
**Бундайларнинг жойи**
**жаҳаннам бўлур,**
**Ғийбатчига билсанг**
**бу ҳам кам бўлур.**

● Одоб хазинасини юрагига жойлаган бир йигит бор эди. У ўз бахтини тополмай, бир неча вақт сарсон ва саргардонликда юрди. У ердаги қийинчилик ва макру ҳийлаларга қанчалик сабр қилмасин, биронта фойда кўрмади. Қоронғу тунларни оғир хаёллар билан ўтказди.

Бир куни Анушервон мажлис уюштириб қолди. У ўз мулозимларидан:

— Энг юмшоқ нарса нима? — деб сўради.

Ўтирганлардан бири: «Шоҳи», деди, иккинчиси эса: «Товуқ патлари», деди. Бошқа бирови эса: «Ипакдан ҳам юмшоқ нарса бўлиши мумкинми?» деди. Шу онда ҳалиги йигит ҳам сарой четида турган эди. Мулозимларнинг жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлгач деди:

— Энг юмшоқ нарса тинчликдир.

Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради:

— Энг яхши овқат қандай овқат?

— Шаҳвоний ҳирсни оширмайдиган ва танда ҳеч қандай иллат туғдирмайдиган овқат энг яхши овқат, — деб жавоб берди йигит.

Анушервон яна ундан:

— Гулларнинг энг хушбўйи қайси? — деб сўради.

Энг ҳидли гул ота-онани тириклигида рози қиладиган, ўлгандан кейин эса уларнинг номини абадийлаштирадиган қобил фарзанд, — деб жавоб берди йигит.

Анушервон йигитни тақдирлади ва ўз ҳакамлари орасига олди.

**Байт:**

**Куннинг жамолини кўрай**
**деса ким,**
**Тунда сабр қилмоқ**
**ёлғиз чораси.**
**Гавҳар қидирувчи**
**меҳнатдан қўрқса,**
**Қўлига чиқмагай**
**дурнинг сараси.**

# УНУТИЛМАС ХОТИРА КЕЧАСИ

***Оташқалб ижодкор, она Ватанини чуқур меҳр билан жўшиб шеърга солган, ўзининг бетакрор мисралари билан халқимиз қалбидан абадий ўрин олган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган хотира кечалари юртимизнинг ҳар бир вилояти, шаҳри, маданият масканларида ўзига хос тарзда нишонланмоқда.***

Шундай унутилмас хотира кечаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент вилоят ҳокимлиги, вилоят «Маънавият ва маърифат» Кенгаши ҳамкорлигида пойтахт вилоятининг Чиноз туманида ҳам бўлиб ўтди. Унда шоир, ёзувчи, адабиётшунослар, журналистлар, жумладан «Тошкент оқшоми» газетаси вакиллари, Муҳаммад Юсуф шеъриятининг ихлосмандлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлиснинг оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Шарифа Салимова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова, Ўзбекистон Халқ шоири Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси Маҳмуд Тоир, шоирнинг турмуш ўртоғи Назира Саломова ва бошқалар ноёб истеъдод эгаси Муҳаммад Юсуф ижодининг ўзига хос қирралари, унинг камтарин ва одамийлиги, гўзал ва бетакрор шеърлари ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаши хусусида тўлқинланиб сўзладилар.

Халқ севган ҳофизлар Маҳмуджон Азимов ва Тошпўлат Маткаримовлар ижросидаги шоир шеърларига басталанган қўшиқлар хотира кечасига ўзгача файз, иликлик бағишлади.

**(Ўз мухбиримиз)**

***ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН***

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЯРАШМАГАН ҚИЛИҚ

Одатда ёш болага мана шу ишни қилмагин десанг, қизиқиб атайлаб қилади. Катталарчи? Бордию уларда ҳам шундай ҳол рўй берсачи? Энди бунисига қандай таъриф беришни билмадик. «Кўчаларни озода сақланг, уни ифлослантирманг, йўловчи транспортида писта чақманг», деймиз. Лекин афсуски, нафақат фаррошлар, балки ҳар биримиз учун фойдали бўлган бу сўзларга ҳамиша ҳам риоя қилавермаймиз. Хоҳлаган жойда писта чақиб ҳеч иккиланмай, ҳатто атрофдагилардан хижолат бўлмай истаган жойга пўчоғини тупуриб кетаверамиз. Қўлимиздаги папирос қолдиғи, муддатини ўтаган чипталарни йўл-йўлакай улоқтирамизда, кейин ўзимиз йўллар, транспортларнинг ифлослигидан шикоят қилиб юрамиз.

Мана ўзимиз кўрган-кечирган икки ҳолат. Ўрда бекатида милиция формасидаги (йўл назоратчиси бўлса керак) бир йигит фуқаро кийимидаги икки ҳамроҳи билан гаплашиб турибди. Уларнинг ҳар уччалови суҳбат орасида тўхтовсиз писта чақиб туришибди. Пўчоғини эса шундоққина тоза, озода катта йўлнинг ўзига тупуриб ташлашяпти. Йигитларнинг қўлидаги писта тамом бўлиши билан милиция хизматчиси чўнтагидан қисмлаб писта чиқариб ҳамроҳларига улашади. Бу манзарани кўриб туриб ғашимиз келди. Уларни тартибга чақиришга мажбур бўлдик.

— Оилангизда фаррош бўлиб ишлайдиганлар борми дейман-а бобой, — дейишди йигитлар кулишиб.

— Саволингизни тушунмадим?

— Бўлмаса нега кўча озодалиги ҳақида қайғуриб қолдингиз? Ахир кўча бўлгандан кейин ифлос бўлади. Шунинг учун ҳар бир кўчанинг тозалайдиган ўз фарроши бор.

Энди айтинг, ақли-ҳуши жойида йигитларки, шу гапни гапириб тургандан кейин бошқалардан нимани кутиш мумкин?

Автобусда боряпмиз. Ёнма-ён ўриндиқда ўтириб олган икки аёлнинг оғзи писта чақишдан тўхтамайди. Пўчоғини эса қўлларига эмас, тўғридан тўғри салонга ташлашяпти. Чипта сотувчи уларни огоҳлантириб балога қолди.

— Кечирасизлар, машинада писта чақиш мумкин эмас.

Аёллар олдинига унинг бу сўзига мутлақо эътибор беришмагандек индамай ўтиравершди.

— Сизларга айтяпман, — деди чиптачи бироз аччиқланиб. Бу жамоат транспорти. Уни озода сақлаш керак.

Аёллар гапдон экан. Бечора чиптачини қайта оғиз очиришга қўйишмади.

— Озода сақлаш сени вазифанг, биз эса...

Ўртага йўловчилар аралашди. Бўлмади. Аёллар уларга ҳам гап топиб беришди. Олдинда ўтирган бир нуроний онахон индамай олмади шекилли ўрнидан туриб уларга яқин келди.

— Қанақа одамсизлар ўзи? Шундоқ чиройли, келишган аёллар уялмайсизларми бўлмағур сўзларни айтишга. Ахир ўз уйингизда шунақа тартибсизлик қилмассизлар. Писта чақиб пўчоғини хонадонга туфламассизлар. Қўйинглар-ей, аёллик шаънига доғ тушириб ўтирибсизлар-а.

Онахоннинг юзи иссиқлик қилдими, ёки гапи таъсир этдими ҳар қалай ҳар иккала жувон кейинги бекатда қизариб-бўзариб автобусдан тушиб кетишди. Кимдир улар ҳақида қизиқроқ бир гап айтди. Ўртада дув кулги кўтарилди.

## ОНА МЕҲРИ

Қандай болажон аёлларимиз бор-да. Ёш гўдакни кўрса бас, айланиб-ўргулишади. Иссиқ бағрига босишади. Баъзан уларнинг ўзга болаларга қилаётган меҳрибончиликларини кўриб, ўзгани ўзиникидан ажрата олмай қоласиз. Яқинда бир иш юзасидан Юнусободдаги милиция таянч хоналаридан бирида бўлганимизда онаси бор болага бўлган туғанмас меҳрини яна бир бор дилдан ҳис этдик.

Эллик ёшлар чамасидаги бир аёл оқ чойшабга ихлос билан ўралган чақалоғини авайлаб кўтарганича ийманиб хонага кириб келди.

— Хизмат?

— Кечирасиз, бир илтимос билан келган эдим...

Аёл қўлидаги гўдакка тикилганича бироз жим қолди. Кўзларида билинар-билинмас ёш милтиллади.

—Мана шу бола... Чайналди у. Кейин чақалоғини қўлидан биров олиб қўядигандек бағрига қаттиқ босди-да, тез гапира кетди.

— Мана шу болани ўзимга ўғил қилиб олмоқчиман. Кеча бизнинг йўлакка кимдир ташлаб кетибди. Йўргак орасидан мана бу хат чиқди.

Ўқидик. Унда рус тилида қуйидаги жумлалар ёзилган эди. «Менга бола керак эмас. Ким олса олсин. Ҳеч қандай даъвойим йўқ».

Боласини ташлаб кетган она ҳақида ҳукм чиқариш газетхонлар эътиборига ҳавола. Биз эса инсоний фазилатларни ўзида мужассамлантирган иккинчи она ва унинг бегона гўдакка бўлган меҳри ҳақида гапирмоқчимиз.

Бирдан хаёлимизга аёлнинг фарзанди йўқ бўлса керак, деган фикр келди. Афсуски, бу ўйимиз сароб бўлиб чиқди. Аёлнинг уч фарзанди — икки ўғил ва қизи бор экан. Милиция сардори ўрнидан туриб, синчковлик билан чақалоққа тикилди.

— Рус шекилли.

— Барибир эмасми, — деди аёл болани маҳкам бағрига босиб. — Русми, ўзбекми, ким бўлса ҳам умри узун бўлсин.

Сардор болажон аёлга лозим бўлган барча йўл-йўриқларни кўрсатди. Аёл миннатдорчилик билдириб хонадан чиқаркан, — «Барибир болани ҳеч кимга бермайман», деб қўйди қатъий қилиб.

## БЕКАТДАГИ ТАРТИБСИЗЛИК

Ўтган дам олиш куни набирам Беҳзоджон:

— Бобо, — анчадан бери шаҳар кезмай қўйдингиз.— Бугун бўш кунимда машинамда сизни бир Сергели томонларга олиб борсам нима дейсиз, — деб қолди.

— Умрингдан барака топ бўталоғим. Айни муддаони айтдингда, ўзим ҳам уйда зерикиб ўтирувдим.

Йўлга тушдик. Атрофнинг гўзаллигига боқиб тўймайсан киши. Бу қадар ўзгаришлар, янгиланишлар. Кенг кўчалар, озода ва саришта хиёбонлар. Икки томонда бир-биридан муҳташам кўп қаватли бинолар.

Бир зумда Амир Темур кўчаси, «Олой» бозори, Мустақиллик майдони ортда қолди. Усмон Носир кўчаси бўйлаб бораётиб Волгоград бекатига етганимизда дўкондан газеталарнинг янги сонини харид қилиш мақсадида тўхтадик.

Машинадан тушдиму, кайфиятим бузилди. Нега дейсизми? Сиз сўраманг, мен айтмай. Шундай катта бекатнинг тартибсизлигини кўриб дилим хира тортди. Кўчанинг икки бетида ахлат уюмлари кўзга ташланиб турибди. Папирос қолдиқлари, ғижимлаб ташланган қоғозлар, ўтирғичлар чанг. Аллақачонлар баҳорнинг ярми ўтиб боряптики, куздан қолган хазонлар ҳамон у ер-бу ерда кўзга ташланади. Чор-атрофга назар ташлайман. Бекатдан сал нарида кичик бозорча, туман ижтимоий таъминот бўлимининг идораси, нуфузли тиббий корхоналар. Усти ёпиқ бекатнинг ўзида қаҳвахона, кичик дўкончa, маиший хизмат нуқталари аҳолига хизмат кўрсатиб турибди. Шунча корхона, муассаса, дўконлар, борингки, бозорча бор жойда шундай тартибсизлик ҳукм суришига ақлинг бовар қилмайди. Ахир ҳамма ўзига қарашли ҳудуднинг озодалигини кузатиб турса борми, бу ерда ортиқча бир чўпни ҳам учратиш мумкин бўлмайди. Наҳот шу оддий ҳақиқатни бу ердагилар тушунишмаса? Тушунишади, лекин улар фаррош хизматига суянишади. Мана шу хотиржамлик, лоқайдлик атрофга чангда қолган гул ҳиссини уфуриб турганлиги билан уларнинг иши йўқ.

Албатта, ҳар ким дардини айтиб йиғлайди. Ўйлаймизки, бизнинг дилимизни хуфтон қилган бу муаммо ҳақида ҳам бош қотирадиганлар топилиб қолса керак.

*Биласизми?*

## МИНГ ДАРДГА ДАВО НЕЪМАТ

***Инсоният бундан 9-10 минг йиллар муқаддам ҳайвонларни қўлга ўргата бошлаган. Дастлаб от, фил, сигир кейинроқ эса қўй, эчки, эшак, товуқ, ўрдак, ғоз, курка ва ҳатто ҳашаротлар ҳам қўлга ўргатила бошланган. Булардан бири ипак қурти, иккинчиси болаҳ ридир.***

Қадимги маданият ёдгорликларига қараб аниқланишича, ибтидоий одам ўрмон ва тоғларга бориб ёввойи асаларининг асалидан баҳраманд бўлиб юрган. Асалнинг ширин шираси уни ўзига ром қилганди ахир! Фақат ширасигина эмас, балки унинг шифобахш неъматидан қадимги табиблар ҳам фойдаланишган. Шунинг учун бўлса керак қадимги Миср эҳромларининг деворларига нилуфар гули ва унга қараб учиб келаётган асалари суратлари солинган.

Эрамизга қадар 2 мингинчи йилларда Ассурия мамлакатида ўлганларнинг танасини мум билан қоплаб, асалга ботириб қўйишган.

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино асални «иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ», — дейди. Унда тозаловчи, томирларни очувчи, ҳўлликларни шимдирувчи қувват бор... Кўз хиралашишини кетказади. Асални танглай билан ёзиб сўриш ва ғарғара қилиш бўғмаларни тузатади ва бодом безларига фойда қилади. Асал суви меъдани кучайтиради ва иштаҳани очади...

Аниқланишича, асалда 70 хил фойдали неъматлар бор экан. Шулардан шакар моддалари — глюкоза ва левулезадир. Бу моддалар асални тўйимли қилади. Унинг таркибида дармондорилардан A, $B_1$, $B_2$, $B_6$, $B_C$, H, K, C, E ва бошқалар бўлиб, бу моддалар турли дардларга даво эканлигидан далолат беради. Қолаверса, асалда инсон ҳаётида зўр аҳамиятга эга бўлган ферментлар ҳам бор. Яна бир мунча маъдан моддалар: калий, кальций, фосфор, кабальт, магний ва бошқалар унда мавжуд. Булар, инсон аъзоларига худди женшень каби ижобий таъсир қилади ва асални узоқ вақт бузилмай туришини ҳам таъминлайди. Халқда — «Сариёғ — сасимас, асал — айнимас» деган мақол бор. Бу бежиз айтилмаган экан. Олимлар Миср эҳромларидан бир хум асал топиб олишди. Бу хумнинг ерга кўмилганига 3.3000 йил бўлган экан. Буни қарангки, ичидаги асал ҳали ўз хушбўй ҳидини ва ширин мазасини йўқотмаган. Деҳқончиликда «етти хазина» деган гап бор. Бунга «саккизинчи хазина» қилиб асаларичиликни қўшса бўлади, чунки асални халқ «Минг дардга даво неъмат» деб атайди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

NBU

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

**жисмоний шахслар учун эгасининг номи кўрсатилмайдиган депозит (омонат) сертификатларни**

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- муомаладаги муддати 3 ва 6 ой бўлиб, йиллик даромади тегишли тартибда - 21 ва 24 фоиз
- сертификатлар - 25 000 ва 50 000 сўмлик

**Миллий банкнинг депозит сертификатлари – пулларингиз сақланиши ва даромадли бўлишига гаровдир!**

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 134-14-14, 135-42-83**
**www.nbu.com**

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб, банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.**

**2004 йил 18 майда қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:**

1. “Фиат Темпра СВ”автомобили, 1996 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси М 06-31, бошланғич нархи 2 900 000 сўм;
2. “Маз-54323” юк автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 350 000 сўм,
3. “9330-Ярим прицеп”, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
4. “Заз-968”автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 49-54, бошланғич нархи 80 000 сўм, техник носоз;
5. “Москвич-412” автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Э 30-61 ТН, бошланғич нархи 120 000 сўм, техник носоз;
6. “Ссанг Енг Муссо” автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошланғич нархи 12 000 000 сўм, техник носоз;
7. “Нексия” автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 19 G 17-18, бошланғич нархи 1 800 000сўм, техник соз;
8. “Газ-24013”автомомбили,1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 28-30, бошланғич нархи 120 000сўм, техник носоз;
9. “БМВ-520” автомобили, 1988 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 23-32 В, бошланғич нархи 4 480 000сўм;
10. “Маз-5423” юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 583, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник соз;
11. “Маз-5423” юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 479, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник соз;
12. “Уаз-3303-01” юк автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 96-59 ТНМ, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
13. “Маз-5549” юк автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AW 810, бошланғич нархи 750 000 сўм, техник носоз;

**2004 йил 1 июнда қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:**

1. “Нексия” автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 800, бошланғич нархи 2 750 000 сўм, техник соз;
2. “Газ-3102” автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 R 06-04, бошланғич нархи 6 000 000 сўм, техник соз;
3. “Газ-31029” автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AR 653, бошланғич нархи 500 000сўм, техник носоз;
4. “Газ-5312 АГП-12” автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АК 868, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
5. “Зил-130” юк автомобили, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AJ 116, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
6. “Зил-130” юк автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AJ114, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;

**Ким ошди савдолари соат 11-00да бошланади, савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади**

**Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими биносида ўтказилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар:, 144-54-08, 41-16-38**

«Радио деталлари» дўкони ҳар қандай радио деталлари, компьютерлар ва компьютерларни бутловчи қисмлар, электрон техника, аудио ва видео ҳамда ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади.

**Телефон: 68-88-77**

Сотилаётган савдо дўкони «ТашКСМ» ОТАЖсига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси томонидан 1994 йил 6 октябрдаги 671 сонли мулкий хуқуқни тасдиқловчи давлат ордерига асосан Тошкент шаҳар хокимияти ижроия маҳкамаси ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастирини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан берилган реестр сони 5-78/99 билан давлат рўйхатидан ўтказилган кадастр хўжжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг лотереялар ташкил қилиш бошқармасига дебитор қарзларни ундиришда тажрибаси бўлган ҳуқуқшунос зарур.**

Ўз тўғрингиздаги маълумотларни 136-39-06 - факсига йўналтиришингиз ёки Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси 14-уй манзили бўйича мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тел: 136-39-42, 136-39-37.**

**ДИҚҚАТ НАЗОРАТ!**

**Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги А.П. Хлебушкина номли 22- Меҳрибонлик уйи спорт комплексининг таъмирлаш ишларини олиб бориш учун

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси 24. Телефонлар: 45-72-35, 45-37-83.

SONY-54, кумушсимон стерео 200у.е, SONY-63, кумушсимон стерео 300 у.е янги телевизорлари сотилади.

**Тел: 22-98-05**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

**Баъзида кўча-кўйда чаққонлик билан кишиларнинг чўнтагига қўл соладиган ёки сумкаларини юлиб олиб, қочиб қоладиган киссавур ва босқинчилар учрайди.**

Ҳамза тумани ҳудудида жойлашган «Раимжон» ошхонаси олдида ҳам шунга ўхшаш ҳодиса юз берди. Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри, Темирйўлчилар кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Г.Хаитова йўлда кетаётиб, кутилмаганда қаршисида пайдо бўлиб қолган нотаниш йигитнинг ҳамласидан қўрқиб кетди. Ҳалиги йигит қўлидаги лезвиени бармоқлари орасига суққанича қизга бақириб, пуллари ва сумкасидаги қимматбаҳо матоҳларини беришини талаб қиларди. Ноилож қолган жабрланувчи сумкасидаги нархи 5500 сўмлик аёллар халати, 10000 сўмлик икки дона шиппаклари ва 4250 сўм пулини босқинчининг қўлига тутқазишга мажбур бўлди. Аммо қарангки, шу пайтда ушбу ҳудудда хизмат олиб бораётган милиция ходимлари етиб келиб, жиноятчини ашёвий далиллар билан қўлга олишга муваффақ бўлдилар.

● Яна шу туманнинг Бойсун кўчасидаги 15-уйнинг олдида ҳам босқинчилик жинояти содир этилганлиги тўғрисида туман ИИБ навбатчилик қисмига хабар етказилди.

Маълум бўлишича, бир нотаниш кимса, Чилонзор тумани, 20-мавзе, 21-уйнинг 129-хонадонида истиқомат қилувчи фуқаро Н.Лукашюкнинг орқасидан келиб, қулоғидаги нархи 50000 сўмлик тилла сирғасини юлиб олиб, жуфтакни ростлаган. Воқеа жойида ҳозир бўлган ички ишлар ходимларининг кўрган тезкор ҳаракатлари натижасида босқинчи аниқланиб, ушланди. У ушбу туманда яшовчи, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган Б.Алексей бўлиб чиқди.

● Юнусобод тумани ИИБ навбатчилик қисмига 13-мавзеда жойлашган 60-уйнинг фуқаро Ш.Қодировга тегишли 13-хонадонида ўғирлик жинояти содир этган бир шахс ушлаб келтирилди.

Аниқланишича, ушбу хонадоннинг эшик қулфини бузиб кирган, у ердан битта «Чайка» русумли тикув машинаси ва уч дона гиламларни ўмариб кетган жиноятчи, шу туманда яшовчи, бирор жойда ишламайдиган М.Наримон экан.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази инспектори**

---

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги «Мевазор» маҳалласи аҳли меҳнат фахрийси Мираббос ота Мирсаидовнинг турмуш ўртоғи

**ҲУРИХОН АЯнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

### 3-9 май



**Қўй** (21.03 — 20.04) — Ушбу ҳафта сиз учун кўнгилли бошланади. Янги режалар билан иш бошлашга киришинг. Яхши кайфият ҳафта охиригача сизни тарк этмайди.



**Бузоқ** (21.04-21.03) — Шу кунларда тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга баъзи муаммолар халал бериши мумкин. Лекин бу вақтинчалик, тез орада яна ишлари ўз изига тушиб кетади.



**Эгизаклар** (21.05—21.06) — Бу ҳафта нохуш бошлансада, кайфиятингизни туширманг. Сизни янги хушхабарлар, бахтиёр кунлар кутмоқда. Омадингиз келиши аниқ.



**Қисқичбақа** (22.06—22.07) — Ушбу ҳафтада дўстларингизга сирингизни, дардингизни ошкор қилишдан тийилинг. Яхшиси яқинларингиз билан маслаҳатлашиб иш кўринг. Ҳафта охири сиз ўйлагандек, ишларингиз юришиб кетади.



**Арслон** (23.07—23.08) — Оилавий можаролардан асабийлашманг, балки буни босиқлик билан ҳал қилинг. Фарзандларингизга ўта талабчанлик қилишингиз янада норозиликларга сабаб бўлади.



**Паризод** (24.08—23.09) — Кутилмаган учрашувлар, яқинларингиз билан дийдорлашувлардан кўнглингиз кўтарилади. Атрофингиздаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлманг. Келгусида қиладиган ишларингизни режалаштириб олганингиз маъқул.



**Тарозу** (24.09—23.10) — Ноўрин шубҳалар туфайли ҳаётингизда баъзи келишмовчиликлар юзага келиши мумкин. Буни вақтида ойдинлаштириб, масалани ҳал қилиб олишингиз керак.



**Чаён** (24.10—22.11) — Кераксиз юмушларга вақтингизни кетказманг. Олдинда қиладиган муҳим ишларингиз кўп. Атрофингизда сизнинг ютуқларингизни кўра олмайдиганлар бор.



**Ўқотар** (23.11—21.12) — Кутилмаган янгиликдан ҳаяжонга тушманг. Раҳбарлар ишончини оқлашга ҳаракат қилинг. Сизни янги лавозимга таклиф қилишмоқчи.



**Тоғ эчкиси** (22.12—20.01) — Муҳаббат бобида омадингиз келиши эҳтимол. Бахтингизни қўлдан чиқарманг. Сиз орзу қилган инсон билан тақдирингизни боғлашингиз мумкин.



**Қовға** (21.01—20.02) — Хизмат юзасидан кутган учрашувингиз яхши натижа бермайди. Баъзи ҳужжатларни янгитдан кўриб чиқишингизга тўғри келади. Соғлиғингиз ҳам безовта қилиб, ишларингиз орқага сурилиши эҳтимол.



**Балиқ** (20.02—20.03) — Ушбу ҳафта молиявий томондан омадингиз келади. Катта даромадни қўлга киритасиз. Кераксиз харажатларга қўл урмаганингиз яхши.

---

*Бўш вақтингизда*

# «Т» ҲАРФЛИ БОШҚОТИРМА



**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:**

1. Бобурий ҳукмдорлардан султон Шоҳ Жаҳон Агра шаҳри яқинида бунёд эттирган нодир обида. 2. Футбол ўйини қисми. 3. Математикада масаланинг аналитик ифодаси. 4. Субҳидам. 5. Қурилманинг айланиш частотасини ўлчаш асбоби. 6. Мақолдан: «...туз билан, туз ўлчов билан». 7. Телефон қурилмаси турларидан бири. 8. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 9.Олисга ёки баландга сакраш мосламаси. 10. Кулги, ханда. 11. Олий ҳарбий ва фуқаролик жиноий ишларни кўрувчи фавқулодда махсус суд органи. 12. Бойсунтоғдаги қадимий ғор. 13. Тиғли дурадгорлик асбоби. 14. Гул, нақш солиш, безакли хат ёзишда фойдаланиладиган андоза. 15. Иссиқлик, ҳарорат. 16. Овланадиган, кўркам, тўқайзорларда яшовчи қуш. 17. Махсус пўлат арқон. 18. Ички касалликларни аниқловчи ва даволовчи шифокор.

## МУАММОНОМА

Юқорида таърифлари баён этилган сўзлар жавоблари асосида қуйидаги рақамлар жуфтида яширинган ҳикматни билиб олинг. Бунда биринчи рақам сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади.

2-3; 11-3; 3-4; 12-4; 17-1; 7-8; 12-4; 4-3; 3-4.
1-6; 16-2; 7-4; 4-3; 9-7.
5-5; 13-2; 1-6; 9-8; 18-4; 6-1.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 23 апрель сонида берилган Кроссворднинг жавоблари:**

**Энига**: 7. Муқимий. 8. Манагуа. 10. Кампала. 13. «Милан». 14. Ангор. 15. Танца. 16. Афғон. 20. Лайча. 21. Кросс. 25. Цагвери. 27. Харидор. 28. Беруний.

**Бўйига**: 1. Кулибин. 3. Финал. 4. Чайла. 6. Суворов. 9. «Опель». 11. Қаламча. 12. Андорра. 17. Капитал. 18. Арава. 19. Эстония. 22. Камон. 23. Орден.

Соат мили йўналишида рақамли хонадан: 29. Дифференциал.

**Ёйлар бўйича:** 2. Тизгин. 5. Қайроқ. 24. Кишмиш. 26. Контур.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар**: 1. Гулқанд. 2. Лавҳа. 3. Бурж. 4. Зомин.

**Ҳикмат: Зару жавоҳирнинг қадри одам билан.**

---

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Давлат Мулки Қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 4,7,11,14,18,21,25,28 май ва 1,4,8,11,15,18,22,25,29 июнь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилади:**

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига қарашли Солиқ коллежининг 1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси 10AI 473 бўлган «ГАЗ-24» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 343 843 сўм.

- «Тошинвестқурилишбутлаш» унитар корхонасининг 1988 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси 10AI 382 бўлган «КАВЗ-3270» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 230 000 сўм. Шунингдек 1982 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси 10AI 385 бўлган «ГАЗ-53А» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 874 000 сўм.

- Тошкент шаҳар тиббий меҳнат экспертиза хизматининг 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 03-29 ТНГ бўлган, «ВАЗ-2121» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 541 000 сўм.

- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 339 бўлган ГАЗ-24 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 500 000 сўм.

- Тошкент шаҳар, Султония кўчаси, 24-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги моддий-техника таъминоти идорасининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AS 506 бўлган ГАЗ-3102 русумли. Бошланғич нархи 2 000 000 сўм.

- Банкрот деб эълон қилинган «Литейшик» ширкатига қарашли «XIN TUO» русумли минитрактор. Бошланғич нархи 3 327 492 сўм.

Юқоридагиларга қўшимча тарзда 2004 йилнинг 1,4,8,11,15,18,22,25,29 июнь ва 2,6,9,13,16,20,23,27,30 июль кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига

Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 24- уйда жойлашган «O'ZBEKTELEKOM» акциядорлик компаниясининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АЕ 773 бўлган Тико русумли автотранспорт воситаси қўйилади. Бошланғич баҳоси 1 200 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдодаги объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йил 27 апрель куни ўтказилган аукцион савдоларида

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий (собиқ Текстильная) 1-тор кўчаси, 8-уйда жойлашган бино ва иншоотлар 19 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4409 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-507. 1 2 3 4 6